



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
Буюк  
Давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2024 йил 23 май, № 100 (8723)

Пайшанба Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ПАРЛАМЕНТЛАРАРО АЛОҚАЛАР ЖАДАЛ РИВОЖЛАНАЁТГАНИ МАМНУНИЯТ БИЛАН ҚАЙД ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 май куни мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси раиси Нуман Куртулмуш бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Ў.А.  
Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Матбуот хизмати сурати.

## Ўзбекистон — Туркия: МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси раиси Нуман Куртулмуш билан учрашув ўтказди.

### Мулоқот

Унда сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва парламентларо йўналишларда Ўзбекистоннинг Туркия билан ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ҳамда алоқаларни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Сўхбат чоғида икки давлат Президентларининг катъий сиёсий иродаси, улар ўртасидаги ақин, ўзаро ишончга асосланган муносабатлар туфайли икки томонлама алоқалар кенг қамровли стратегик шериклик даражасига олиб чиқилгани алоҳида қайд этилди.

Сўнгги олти йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1,5 маротаба ошиб, Туркия Ўзбекистоннинг тўртинчи асосий иқтисодий шеригига айлангани, ўзаро савдо ҳажмини кенгайтириш ва иқтисодийнинг турли тармақларида саноат кооперацияси бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун имкониятдан янада кенгроқ фойдаланиш лозимлиги таъкидланди.

Музокара давомида ижтимоий ва маданий-гуманитар соҳаларда алоқаларни янада кенгайтириш учун икки давлатда ҳам салоҳият етарли экани, бу борада имкониятларни бирлаштириш зарурлигига урғу берилди.

Айниқса, соғлиқни сақлаш йўналишида кадрлар

салоҳиятини ошириш, илм-фан ва таълим соҳаларида қўшма илмий лойиҳаларни йўлга қўйиш, талабалар алмашинуви фаоллаштириш юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон ва Туркиянинг кадриятлари, анъана ва урф-одатлари, оилга бўлган муносабати ўхшашлигидан келиб чиқиб, оила ва хотин-қизлар масалаларида икки мамлакатнинг тегишли вазирли ва идоралари ўртасида ҳамкорликни кенгайтиришга эътибор қаратилди.

Учрашувда парламентлар ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш масаласи кўриб чиқилди. Хусусан, Олий Мажлисининг Буюк миллат мажлиси билан ҳамкорлик бўйича парламентларо гурӯҳи ва "Ўзбекистон — Туркия" парламентларо дўстлик гурӯҳи ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш, кўмиталар билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатиш бўйича ақдидан фикр билдирилди.

Муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш мақсадида икки давлат парламентлари ўртасида ҳамкорлик бўйича тегишли ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва имзолашга келишиб олинди.

Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси раиси Нуман Куртулмуш фахрий меҳмонлар китобида дастхат ёзиб қолдириди.

## ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ СОҲАСИДА ТАЖРИБА АЛМАШИЛАДИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоиловнинг Туркия Республикаси Буюк миллат мажлиси раиси Нуман Куртулмуш бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Кейинги йилларда икки давлат Президентларининг сиёсий иродаси ва узокни кўзлаб амалга ошираётган оқилона сиёсати натижасида кўп қиррали ҳамкорлик муносабатлари янги босқичга кўтарилди, халқларимиз ўртасида ишончли дўстлик атмосфераси яратилди, алоқаларимиз кенг қамровли стратегик шериклик даражасига олиб чиқилди.

Учрашувда икки томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорлик жадал тус олгани, фаол сиёсий мулоқот олиб борилаётгани, савдо-иқтисодий ва инвестиция соҳаларидаги алоқалар суърати охири бораётгани, самара-

ли маданий-гуманитар алмашинувлар давом этаётгани мамнуният билан қайд қилинди.

Мулоқот чоғида делегация аъзоларига "Ўзбекистон — 2030" стратегияси доирасида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, янги таҳрирдаги Конституция нормаларини рўйбога чиқариш борасидаги ҳам-қаракатлар ҳамда икки палатали парламент фаолияти, қонун ижодкорлиги йўналиши, қўйи палата кўмиталари, комиссиялари ҳамда депутатларнинг асосий вазифалари тўғрисида атрафлича маълумотлар берилди.

### Қонунчилик палатаси кўмиталарида

## ФРАКЦИЯЛАР ҚАНДАЙ ТАКЛИФЛАРНИ ИЛГАРИ СУРДИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси томонидан янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг "Чиқиндилар тўғрисида"ги қонуни лойиҳаси муҳокамасига бағишланган кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси томонидан манфаатдор идораларнинг вакиллари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилиб, унда Президентимизнинг соҳага оид Фармон ва қарорларида чиқиндилар билан боғлиқ ишларни тартибга солишга қаратилган кўрсатма ва топшириқлари ўз аксини топган.

Муҳокамалар давомида ЎзЛиДеп фракцияси вакиллари томонидан санитария жиҳатдан тозалашга ихтисослаштирилган ташкилотларнинг ҳуқуқий фаолиятини белгилаш, "Миллий тикланиш" ДП фракцияси аъзолари томонидан чиқиндилар билан ишлашда табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик, хусусан, қаттиқ маийш ва курилиш чиқиндиларини белгиланмаган жойларга ташлаш ҳамда суяк маий-

ший чиқиндиларни тўққанлик учун молиявий жарималар қўллашга доир нормалар киритиш таклиф этилди.

"Адолат" СДП фракцияси вакиллари юридик ва жисмоний шахслар томонидан чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида қонун ҳужжатлари талабларининг бузилиши туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳамда фойдаланиш хусусиятини йўқотгандан сўнг атроф-муҳитга зарар етказувчи ишлаб чиқариладиган ва импорт қилинадиган қадқоқлаш материаллари ва товарларга экологик йўғим институтлари жорий этиш лозимлигини айтдилар.

ЎзХДП фракцияси аъзолари томонидан эса чиқиндиларни утилизация қилиш ҳамда уларнинг ҳосил бўлишини камайтиришга доир фаолиятни рағбатлантиришнинг иқтисодий

механизмларини белгилаш бўйича бир қатор таклифлар илгари сурилди.

Йиғилишда айтилганидек, ушбу қонун лойиҳаси чиқиндиларни бошқариш борасида мавжуд амалиётни янада такомиллаштириш, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишда қонунчиликка риоя этилиши юзасидан давлат назорати самарадорлигини ошириш, маийш чиқиндиларни йиғиш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва кўмиш борасида давлат ва хусусий шерикликни янада ривожлантириш имконини беради.

Иштирокчилар томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар, сиёсий партиялар фракциялари томонидан илгари сурилган таклифлар асосида қонун лойиҳаси янада такомиллаштириладиган бўлди.

### Бюджет маблағлари мақсадли сарфланиши лозим

Парламент кўйи палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари ҳамда Бюджет ва иқтисодий ма-

салалар кўмиталарининг кенгайтирилган кўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг "2024 йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг бахжарилиши ҳолати юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида"ги ахбороти эшитилди.

Унда келтирилишича, ҳар йилги Давлат бюджетининг мақсадли сарфланиши бўйича қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 11 сентябрдаги тегишли қарорига асосан 2024 йилда 5 та шаҳар, 48 та шаҳарча ҳамда 116 та қишлоқ аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш белгиланган.

Мазкур ишларни амалга ошириш учун жорий йилда Давлат бюджетидан 172,5 млрд. сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган бўлиб, ҳисобот даврида аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш дастури доирасида 51,8 млрд. сўм ўзлаштирилган.

## МИНТАҚАВИЙ ЭНЕРГЕТИК ХАВФСИЗЛИК ВА ИСТИҚБОЛЛИ ИЛМИЙ ЛОЙИҲАЛАР

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С. Сафоев "АсваPower" компанияси минтақавий раҳбарияти билан учрашув ўтказди.

### Учрашув

Унда энергетиканинг турли йўналишларидаги ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди. Хусусан, минтақавий энергетика соҳасини ривожлантириш ва энергетика хавфсизлигини таъминлашга қаратилган илмий лойиҳаларни биргаликда рўйбога чиқариш масалалари кўриб чиқилди.

Мулоқотда энергетика ва геосиёсат соҳасида мутахассислар тайёрлашга қаратилган таълим дастурлари ва ташаббусларга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, томонлар ўзаро қизиқиш уйғотган бошқа масалалар юзасидан ҳам фикр алмашди.

«Халқ сўзи».

## ИШОНЧЛИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ КАФОЛАТЛАР ВА ТАДБИРКОРЛИК ТАРАҚҚИЁТИ

Тадбиркорлик фаолияти мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда ва янги иш ўринларини яратишда катта аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли ушбу соҳани кучайтириш ва уни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг марказида бўлиб келмоқда.

### Фикр

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз томонидан 2021 йилдан бошлаб ҳар йили август ойида тадбиркорлар билан тўғридан-тўғри очик мулоқот ўтказиш бўйича мутлақо янги тизим йўлга қўйилди. Ва бу тадбиркорларга ўз фаолиятида юзага келмаётган ва уларни қийнаётган тизимли муаммолар юзасидан бевосита давлат раҳбарига мурожаат қилиш имконини берди.

Бу тизим, ўз навбатида, Конституциямиз 40-моддасида назарда тутилган ҳар қимнинг давлат органларига, мансabdор шахсларга ва халқ вакилларига мурожаат қилиш ҳуқуқининг бевосита амалга оширилишини кўрсатади.

Таъкидлаш жоизки, янги таҳрирдаги Конституцияда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва уни қўллаб-қувватлаш борасида бир қатор муҳим ҳуқуқий нормалар акс эттирилди.

Хусусан, давлат томонидан

қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳити таъминланиши, тадбиркорларнинг қонунчиликка мувофиқ ҳар қандай фаолият билан эркин шуғулланиши, монопол фаолият қонун билан чекланиши ва тартибга солиниши, давлат томонидан ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратилиши ҳамда ердан хусусий мулк сифатида фойдаланиш мумкинлиги борасидаги нормалар шулар жумласидандир.

Ўз навбатида, ушбу конституциявий нормалар жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида муҳим роль ўйнаётган тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий кафолатларини янада кучайтирди.

Кайд этиш жоизки, охириги йилларда юртимизда тадбиркорлик фаолияти кенгайиб, унинг иқтисодий ривожлантиришдаги ҳамда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш борасидаги ўрни ва роли охири бораётган бўлмоқда.

## ҲАР 1000 НАФАР ДОИМИЙ АҲОЛИГА ЎРТАЧА 103 ТА ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЬ

- Статистика агентлигининг олинган идоровий маълумотларга кўра 2024 йилнинг 1 январь ҳолатига Ўзбекистонда жисмоний шахсларга тегишли бўлган жами автомобиллар сони **4 020 744** тани ташкил этган.
- Жисмоний шахсларга тегишли бўлган енгил автомобиллар сони ҳар **1000** нафар доимий аҳолига ўртача **103** та тўғри келган.
- Маълумот учун, аҳолига тегишли жами автотранспорт воситалари сони 2017 йилда **2 273 419** та бўлган.



Факт ва рақамлар



Сенатор ва ҳаёт

ЖОЙЛАРДА ЎРГАНИШЛАР ЎТКАЗИЛМОҚДА

Маълумки, Олий Мажлис Сенати томонидан мунтазам равишда маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорликда мамлакатимиз туман ва шаҳарларида қонунлар ижроси юзасидан ўрганишлар ўтказиб келинмоқда...

Ана шундай ўрганишлар доирасида сенаторлар худудларда аҳоли вакиллари билан ҳам мулоқотлар ўтказиб, уларни ташвишга солаётган муаммоларни ҳал этиш чораларини кўраётгани эътиборга молик.

Шунингдек, сенатор Б. Бўтаева Қизилқум туманидаги 17-умумтаълим мактаби битирувчи синф ўқувчилари билан учрашув ўтказди. Сўхбат давомида у жорий йил "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш" йили деб эълон қилинган ва бу эса ёшларга чуккур билим олиш, ўзлари истаган касб-хунарларни пухта эгаллаб, мамлакат тараққиёти йўлида хизмат қилишлари учун катта имконият эканлигини алоҳида таъкидлади.

ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ СОҲАСИДА ТАЖРИБА АЛМАШИЛАДИ

Конструктив ва ўзаро ишонч руҳида кечган учрашувда Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги парламентларо алоқаларни янада мустаҳкамлаш, уни янги мазмун билан бойитиш, қонун ижодкорлиги соҳасида тажриба алмашиш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, "Ўзбекистон — Туркия" парламентларо дўстлик гуруҳи фаолияти ва унинг доирасида амалга оширилаётган қатор ижобий ишлар эътироф этилиб, унинг фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш, маслаҳатлашув учрашувларини мунтазам ўтказишни йўлга қўйиш, икки мамлакат парламентлари қосидаги илмий-тадқиқот институтлари ўртасида алоқалар ўрнатилганга келиши билан қўллаб-қувватлаш, шу йўналишдаги мулоқотларни изчил олиб бориш ҳар томонлама фойдаланишни кайд этди.

ФРАКЦИЯЛАР ҚАНДАЙ ТАКЛИФЛАРНИ ИЛГАРИ СУРДИ?



Шу ҳисобдан жорий йилнинг биринчи чорагида 20 та техник-норматив ҳужжатни қайта кўриб чиқиш ва маромига етказиш режалаштирилган. 2024 йил 1 апрель ҳолатига кўра миллий шарҳсозлик нормалари ва қоидаларини халқаро норматив ва стандартларга ўйғунлаштириш (мослаштириш) ишлари доирасида 29 та техник-норматив ҳужжат қайта кўриб чиқилган.

Мунозаралар давомида иссиқлик таъминоти объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш учун йўналтирилган харажатлар тўлиқ ўзлаштирилмагани депутатларнинг эътирозига сабаб бўлди.

Депутатлар аҳолининг марказлашган иссиқлик таъминоти хизматлари билан таъминланганлиги

Шарҳсозликка оид қонун ҳужжатларига қай даражада риоя қилинганлиги?

даражасини ошириш, энергия тежамкор ва самарали замонавий технологияларни босқичма-босқич жорий этиш орқали аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилаш юзасидан ўз тақлифларини билдирди. Шу билан бирга, Давлат бюджетининг мақсадли сарфланишига алоҳида эътибор қаратиш, ажратилган маблағлардан ўз вақтида самарали фойдаланиш, бюджет маълумотларининг очиқлиги ва шэффофлигини таъминлашга қаратилган қатор тақлиф ва тавсиялар берди.

Айтилганидек, 2021 — 2023 йилларда бино ва иншоотлар қурилишида шаҳарсозликка оид қонун ҳужжатларига ҳамда шаҳарсозлик норма ва қоидаларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида Инспекция томонидан 2021 йилда 30454 та, 2022 йил — 32531, 2023 йилда эса 36245 та объектнинг қурилиш ишлари устидан тегишли давлат назорати ўрнатилган.

Ушбу жараёнда Инспекция томонидан Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаси бўйича ўтган уч йилда 17 мингга яқин маъмурий жазо чоралари (жарималар) қўлланилган. Қурилиш объектларида сифатсиз қурилиш материаллари ва буюмлардан фойдаланганлик учун тегишли орган ва ташкилотларга 1568 та тақдирнома киритилган.

Шунингдек, 2023 йил ва 2024 йилнинг биринчи чорагида республикамиздаги мавжуд кўп хонадонли уйлардан техник фойдаланиш, уларни сақлаш масалаларини такомиллаштириш, уйларнинг таянч қобилияти

ва зилзилабардошлигини пасайтириш, экологик ташқи таъсирларга чидамсиз бўлиб қолишига сабаб бўладиган ҳолатларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш борасида назорат тадбирлари ўтказилган.

Мунозаралар давомида депутатлар Инспекция томонидан қурилиш тугалланган янги кўп хонадонли уйларни фойдаланишга топшириш тартибига солиш ва уларни тизимли равишда фойдаланиш (эксплуатация)га қабул қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан қизиқдилар.

Мунозаралар давомида иссиқлик таъминоти объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш учун йўналтирилган харажатлар тўлиқ ўзлаштирилмагани депутатларнинг эътирозига сабаб бўлди.

Шарҳсозликка оид қонун ҳужжатларига қай даражада риоя қилинганлиги?

даражасини ошириш, энергия тежамкор ва самарали замонавий технологияларни босқичма-босқич жорий этиш орқали аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилаш юзасидан ўз тақлифларини билдирди. Шу билан бирга, Давлат бюджетининг мақсадли сарфланишига алоҳида эътибор қаратиш, ажратилган маблағлардан ўз вақтида самарали фойдаланиш, бюджет маълумотларининг очиқлиги ва шэффофлигини таъминлашга қаратилган қатор тақлиф ва тавсиялар берди.

Айтилганидек, 2021 — 2023 йилларда бино ва иншоотлар қурилишида шаҳарсозликка оид қонун ҳужжатларига ҳамда шаҳарсозлик норма ва қоидаларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида Инспекция томонидан 2021 йилда 30454 та, 2022 йил — 32531, 2023 йилда эса 36245 та объектнинг қурилиш ишлари устидан тегишли давлат назорати ўрнатилган.

Ушбу жараёнда Инспекция томонидан Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаси бўйича ўтган уч йилда 17 мингга яқин маъмурий жазо чоралари (жарималар) қўлланилган. Қурилиш объектларида сифатсиз қурилиш материаллари ва буюмлардан фойдаланганлик учун тегишли орган ва ташкилотларга 1568 та тақдирнома киритилган.

Шунингдек, 2023 йил ва 2024 йилнинг биринчи чорагида республикамиздаги мавжуд кўп хонадонли уйлардан техник фойдаланиш, уларни сақлаш масалаларини такомиллаштириш, уйларнинг таянч қобилияти

ва зилзилабардошлигини пасайтириш, экологик ташқи таъсирларга чидамсиз бўлиб қолишига сабаб бўладиган ҳолатларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш борасида назорат тадбирлари ўтказилган.

Мунозаралар давомида иссиқлик таъминоти объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш учун йўналтирилган харажатлар тўлиқ ўзлаштирилмагани депутатларнинг эътирозига сабаб бўлди.

Депутатлар аҳолининг марказлашган иссиқлик таъминоти хизматлари билан таъминланганлиги

Шарҳсозликка оид қонун ҳужжатларига қай даражада риоя қилинганлиги?

даражасини ошириш, энергия тежамкор ва самарали замонавий технологияларни босқичма-босқич жорий этиш орқали аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилаш юзасидан ўз тақлифларини билдирди. Шу билан бирга, Давлат бюджетининг мақсадли сарфланишига алоҳида эътибор қаратиш, ажратилган маблағлардан ўз вақтида самарали фойдаланиш, бюджет маълумотларининг очиқлиги ва шэффофлигини таъминлашга қаратилган қатор тақлиф ва тавсиялар берди.

Айтилганидек, 2021 — 2023 йилларда бино ва иншоотлар қурилишида шаҳарсозликка оид қонун ҳужжатларига ҳамда шаҳарсозлик норма ва қоидаларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида Инспекция томонидан 2021 йилда 30454 та, 2022 йил — 32531, 2023 йилда эса 36245 та объектнинг қурилиш ишлари устидан тегишли давлат назорати ўрнатилган.

Ушбу жараёнда Инспекция томонидан Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаси бўйича ўтган уч йилда 17 мингга яқин маъмурий жазо чоралари (жарималар) қўлланилган. Қурилиш объектларида сифатсиз қурилиш материаллари ва буюмлардан фойдаланганлик учун тегишли орган ва ташкилотларга 1568 та тақдирнома киритилган.

Шунингдек, 2023 йил ва 2024 йилнинг биринчи чорагида республикамиздаги мавжуд кўп хонадонли уйлардан техник фойдаланиш, уларни сақлаш масалаларини такомиллаштириш, уйларнинг таянч қобилияти

ва зилзилабардошлигини пасайтириш, экологик ташқи таъсирларга чидамсиз бўлиб қолишига сабаб бўладиган ҳолатларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш борасида назорат тадбирлари ўтказилган.

Мунозаралар давомида иссиқлик таъминоти объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва модернизациялаш учун йўналтирилган харажатлар тўлиқ ўзлаштирилмагани депутатларнинг эътирозига сабаб бўлди.



